

РАҲИМЖОНОВ Дурбек Обиджонович
Ўзбекистон халқаро ислом академияси
Исломишунослик ва ислом цивилизациясини
ўрганиш ICESCO кафедраси доценти,
тарих фанлари номзоди
durbekr@yahoo.com

АБУ ХАФС НАСАФИЙНИНГ ИСЛОМ ИЛМЛАРИ РИВОЖИДАГИ ЎРНИ

РОЛЬ АБУ ХАФС НАСАФИ В РАЗВИТИИ ИСЛАМСКИХ НАУК

THE ROLE OF ABU HAFS NASAFI IN THE DEVELOPMENT OF ISLAMIC SCIENCES

Аннотация. Ушбу мақолада қомусий олим Абу Ҳафс Насафийнинг тафсири, ҳадис, ақида, фикҳ, тасаввуф каби ислом илмлари ривожига ўрни кўрсатиб берилган. Ушбу юзга яқин асарлар муаллифининг “ат-Тайсир фи илм ат-тафсир”, “Қитоб ал-қанд”, “Ақоид ан-Насафий”, “Тилбат ат-талаба”, “Матла ан-нужум ва мажма ал-улум” каби китобларининг аҳамияти атрофлича ёритилган. Шунингдек, олимнинг ҳанафий мазҳаби ва матуридия ақидаси ривожига йўлидаги хизматлари очиқ берилган.

Калит сўзлар: Абу Ҳафс Насафий, ҳадис, ақида, фикҳ, тасаввуф, “ат-Тайсир фи илм ат-тафсир”, “Қитоб ал-қанд”, “Ақоид ан-Насафий”, “Тилбат ат-талаба”, “Матла ан-нужум ва мажма ал-улум”, ҳанафий мазҳаби, матуридия ақидаси.

Аннотация. В данной статье показана роль ученого-энциклопедиста Абу Хафса Насафи в развитии исламских наук, таких как тафсир, хадис, ақида, фикх и суфизм. Подробно освещено значение его трудов, как «ат-Тайсир фи илм ат-тафсир», «Китаб аль-канд», «Ақоид ан-Насафи», «Тильбат ат-талаба», «Матла ан-нужум ва маджма аль-улум», автора, который написал около ста книг. Также раскрыт вклад ученого в развитие ханафитского мазхаба и учения матуридия.

Ключевые слова: Абу Хафс Насафи, хадис, ақида, фикх, суфизм, «ат-Тайсир фи илм ат-тафсир», «Китаб аль-Канд», «Ақоид ан-Насафи», «Тильбат ат-талаба», «Матла ан-нужум ва маджма аль-улум», ханафитский мазхаб, учение матуридия.

Annotation. This article shows the role of the encyclopedic scholar Abu Hafs Nasafi in the development of Islamic sciences, such as tafsir, hadith, aqida, fiqh and sufism. The significance of his works is covered in detail, such as “at-Taysir fi ilm at-tafsir”, “Kitab al-kand”, “Aqaid an-Nasafi”, “Tilbat at-talaba”, “Matla an-nujum wa majma al-ulum”, an author who has written about a hundred books. The scientist’s contribution to the development of the Hanafi madhhab and the Maturidi teaching is also revealed.

Keywords: Abu Hafs Nasafi, hadith, aqidah, fiqh, sufism, “at-Taysir fi ilm at-tafsir”, “Kitab al-kand”, “Aqaid al-Nasafi”, “Tilbat at-talaba”, “Matla an-nujum wa majma al-ulum”, Hanafi madhhab, Maturidi teaching.

КИРИШ

Қомусий олим Абу Ҳафс Насафий ўрта асрларда илмнинг турли соҳаларида фаолият олиб борган мутафаккирдир. Унинг ёзган асарларининг умумий сони 100 дан ортиқ.

Олимнинг тўлиқ исми манбаларда Нажм ад-дин Абу Ҳафс Умар ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Исмоил ибн Муҳаммад ибн Али ибн Лукмон ан-Насафий сумма ас-Самарқандий ал-Ҳофиз ал-Фақиҳ аз-Зоҳид ал-Ҳанафий тарзида келтирилади [2;3;5]. Аммо баъзан ан-Нахшабий шаклида ҳам учрайди [1:Т.П.,374]. Асли насафлик бўлиб, умрининг асосий қисмини Самарқандда ўтказгани учун унга «ан-Насафий сумма ас-Самарқандий» («насафлик», сўнгра «самарқандлик») исми-нисбалари ишлатилган.

МУҲОКАМА

Абу Ҳафс Насафий ислом илмлари орасида Қуръон тафсири, ҳадис, калом (ақоид), фикҳ, тасаввуф каби йўналишларда ижод қилган.

Олим Қуръон тафсирига оид «ат-Тайсир фи илм ат-тафсир» асарини ёзган. Бу асарда оилавий ажримлар ва суициднинг олдини олиш масалалари алоҳида кўриб чиқилган. “Нисо” сурасининг 86, “Аъроф” сурасининг 25-оятларига берилган шарҳларда мазкур масалалар ёритилган. Бу асарда оятларни шарҳлаш борасида ўзига хос услуби мавжуд бўлиб, унда маълум бир иборани Қуръонда келган шунга доир бошқа оятлар билан тафсир қилиш. Хусусан, “Зикр” иборасини 15 та оятда “Тавҳид”, “Тоат”, “Илм”, “Тил билан шукр қилиш”, “Қалб билан зикр қилиш”,

“Насихат” ва “Намоз” каби маъноларни ифодалаб келганини тафсир қилган. Муфассир “Истиъоза” иборасини “Шайтондан паноҳ тилаш” маъноси билан бир қаторда унинг “шайтонга хос сифат ва амаллардан паноҳ сўраш” маъносини ҳам ифодалашини 36 та Куръон ояти билан баён қилган. Шунингдек, бу тафсирда тасаввуфга оид ижобий қарашларини ҳам ёритиб кетган. Бунда олим Имом Кушайрий, Абдуллоҳ ибн Муборак, Фузайл ибн Йез каби ишончли олимлар келтирган далилларни келтирган. Ўша даврда ҳам, бугунги кунда ҳам турли оқимлар томонидан илгари сурилаётган ақидавий масалаларнинг тўғри шакллари оятлар асосида ёритиб берилган. Хусусан, имон шартлари ва “истиво” масаласини нотўғри талқини қилиниши “Аъроф” сураси 54 ва Тоҳа сурасининг 8-оятлари тафсирида “Арш”ни Аллоҳ макон тутати эмас, балки эгалик маъносида эканига доир қарашларида асосланган [7:9].

Абу Ҳафс Насафий ўз даври ҳадис илмининг етук билимдонларидан эди. У Мовароуннахрнинг етакчи муҳаддислари билан мулоқотда бўлиб, улардан дарс олди. Олим, ўзининг гувоҳлик беришича, 550 шайхдан ҳадис ривоят қилган [2:8]. У ўз шайхларини «Ти’дод аш-шуйух ли-‘Умар мустатриф ‘ало-л-хуруф мустатир» («Алифбо тартибида берилган Умарнинг устозлари саноғи») асарида бирма-бир санаб ўтган. Афсуски, кўп муаллифлар томонидан нақл этилган бу асар бизгача етиб келмаган. Аммо, ҳадис соҳасида Абу Ҳафс Насафийнинг шоҳ асари “Китоб ал-қанд” маълумотларига асосланиб, муаллиф устозлари орасидан уч муҳаддисни алоҳида ажратиб кўрсатиш мумкин:

Абу Али Ҳасан ибн Абдулмалик ибн Али ибн Мусо ибн Исрофил Насафий (XI-XII асрлар);

Умар ибн Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Шабиб Шабибий Дизакӣ (в. 1117-18 й.);

Абу Муҳаммад Абдуллоҳ ибн Аҳмад ан-Нофила (в. 1109-10 й.).

Абу Ҳафс Насафийнинг «Китоб ал-қанд» асари ҳадис илмига оид асар бўлиб, унинг қимматли томонларидан бири шундаки, у бир қатор бизгача етиб келмаган манбаларда мавжуд бўлган маълумотларни беради. Масалан, Мовароуннахрда энг аввал яратилган машҳур

тарихий-биографик асарлардан бири Абу Саъд Абдуррахмон ибн Муҳаммад ал-Идрисийнинг (в. 1015 й.) «Китоб ал-камол фи ма’рифат арижол мин ‘уламо’ Самарқанд» («Самарқанд уламоларидан ҳадис кишиларини билиш бўйича мукамал китоб») [2:240] асаридир. Бу Самарқанд уламолари ҳақида ёзилган бебаҳо манба бизгача етиб келмаган бўлсада, ундаги маълумотлар кейинги давр муаллифларининг асарларида, хусусан, Абу Ҳафс Насафийнинг «Китоб ал-қанд» асарида сақланиб қолган. . Абу Ҳафс ўз асарида бу манбадан 421 жойда фойдаланган [10:371]. Бундан келиб чикиб айтиш мумкинки, Идрисий асарининг асосий қисми «Китоб ал-қанд»да сақланиб қолган.

Абу Ҳафс Насафийнинг «Китоб ал-қанд» ва «Мунтахаб» асарлари 1232 та мовароуннахрлик уламоларнинг таржимаи ҳолини беради¹. Шунингдек, мазкур асарда Самарқанд маънавий ҳаёти турли жабҳаларидаги муҳитни – илоҳиёт, ахлоқ, сиёсат, қонунчилик, кадриятлар соҳаларини акс эттирган 950 дан ортиқ ҳадис келтирилган.

Абу Ҳафс Насафийнинг “‘Ақо’ид ан-Насафий” асари ислом оламида машҳур бўлганлигидан унга Европа исломшуносларида кизиқиш катта эди. XIX аср биринчи ярмида тадқиқотчилардан В.Куретон мазкур асарга бағишлаб, «Суннийлар диний таълимотининг устуни» [9] номли тадқиқотини ёзди. “‘Ақо’ид ан-Насафий” асарида муътазилия, мушаббиха, мужассима каби йигирмадан ортиқ оқимларга раддия бериш методологияси ва тизими шакллантирилган [6:9].

Абу Ҳафс Насафий ҳанафийлик мазҳаби доирасида фикҳ илмида сермахсул ижод қилган. Тарихий манбаларда унинг бу соҳада ёзиб қолдирган саккизта асарининг номи келтирилади. Улардан “Китоб ад-доир фи-л-фикҳ”, “Машориъ аш-шориъ”, “ал-Ҳасоил фи-л-фуруъ” ёки “ал-Ҳасоил фи-л-масоил”нинг номларигина бизга қадар маълум ҳолос. Бизгача етиб келганлари эса – “ал-Манзума ан-насафия фи-л-хилофиёт”, “Тилбат ат-талаба”, “Шарҳ ал-усул ли-л-Кархий”, “Фатово шайх ал-ислом ас-Суғдий” асарларидир. Хусусан, олимнинг “Тилбат ат-талаба” асари фикҳий атамаларнинг изоҳига бағишланган [4:351].

¹ Бу «Китоб ал-қанд» ва «Мунтахаб» асарларининг ҳозирда мавжуд қисмидаги таржимаи ҳолларнинг умумий сонидир.

Олимнинг “Матла‘ ан-нужум ва мажма‘ ал-‘улум” асари Абу Ҳафс Насафий дарс берган мадрасалардаги Қуръон, ҳадис, калом, тасаввуф, одоб-ахлоқ, усул ал-фикх, фуру ал-фикх, фароиз каби ислом илмлари билан бирга тилшунослик, шеърят, астрономия, математика, медицина, психология, зоология каби гуманитар ва табиий фанларга оид жами 23 хил соҳани ўз ичига қамраб олган. Абу Ҳафс Насафий тузган бу мажмуада бир қатор олимнинг ўзи таълиф этган асарлари билан бирга бошқа олимларнинг асарлари ҳам жой олган [8:63-64].

Абу Ҳафс Насафий нафақат китоб ёзиш билан, балки Мовароуннаҳр мадрасаларида ислом илмларидан дарс бериш билан ҳам бу илмларнинг ривожига ўзининг бекиёс ҳиссасини қўшди. У Самарқанддаги Иброҳим Табғочхон мадрасасида ҳанафий таълимоти бўйича таълим дастурини тузди. Ушбу дастур асосида бу ерда калом, ҳадис, фикх, тасаввуф, риёзиёт (ёки математика) каби бир неча фанлардан дарс берди [8:27]. Самарқандда XI асрда “Дор ал-Жузжония”, “Форжак”, “Абу Ҳафс ал-Кабир”, “Табғочхон”, “Масжид ал-Манора” мадрасалари, шунингдек, “Сиккат ал-лаббодин” гузаригадаги масжид каби мадраса, масжид ҳамда маҳалла гузарларида олимлар ислом илмларидан дарс берганлар. Улар орасида Абу Ҳафс Насафий устоз ва қомусий олим сифатида минтақада ҳанафий фикҳи ва мотуридия ақидаси ривожига катта ҳисса қўшди.

ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, Абу Ҳафс Насафий X-XI асрларда Мовароуннаҳрда яшаб ижод этган, бағрикенглик асосида ҳанафий-мотуридий фикҳ ва калом мактаби таълимотини кенг ёйишга хизмат қилган, ўзининг хос мактабини яратган 100 дан ортиқ асар ва дарсликлар ёзиб, мадрасаларда дарс берган, минтақада илм-маърифат зиёсини тарқатган қомусий олимлардандир.

МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Абу Саъд Абдулкарим ибн Муҳаммад ас-Самъоний. ал-Ансоб: 5 жилдли / Абдуллоҳ Умар ал-Борудий таҳрири остида. – Байрут: Дор ал-фикр, 1998.

2. Абу Ҳафс Умар ибн Муҳаммад Ан-Насафий. ал-Қанд фи зикр уламо Самарқанд / Назар Муҳаммад ал-Форйобий таҳрири остида. – Саудия Арабистони: Мактабат ал-Кавсар, 1991. – 622 б.
3. Абу Ҳафс Умар ибн Муҳаммад ан-Насафий. Китоб ал-қанд фи зикр уламо Самарқанд / Юсуф ал-Ҳодий таҳрири остида. – Техрон: Ойина-йи мирос, 1999. – 877 б.
4. Абу Ҳафс Умар ибн Муҳаммад Ан-Насафий. Тилбат ат-талаба. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, 1997. – 351 б.
5. Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Маҳмуд ибн ан-Нажжор ал-Бағдодий. Зайл Таърих Бағдод / Мустафо Абд ал-Қодир Ато таҳрири остида. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, 1997. – Т. 20. – Б. 98-100.
6. Аллоқулов А.А. “Ақоид” асари ва унинг шарҳлари таҳлили: тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) ... дисс. автореф. – Тошкент: Ўзбекистон халқаро ислом академияси, 2018. – 153 б.
7. Муратов А.А. Абу Ҳафс Насафий “ат-Тайсир фи илмит-тафсир” асарининг манбашунослик тадқиқи: исломшунослик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) ... дисс. автореф. – Тошкент: Ўзбекистон халқаро ислом академияси, 2021. – 180 б.
8. Муҳаммадаминов С.А. Абу Ҳафс ан-Насафийнинг “Матла ан-нужум ва мажма ал-улум” асари ва унинг Марказий Осиё ислом илмлари ривожига тутган ўрни (XI аср охири - XII аср ўрталари): тарих ф.н. ... дисс. – Тошкент: ЎЗР ФАШИ, 2012. – 194 б.
9. Cureton W. Pillar of Creed of the Sunnites. – London. – 1843. – 66 p.
10. Weinberger J. The Authorship of Two Twelfth Century Transoxanian Biographical Dictionaries // Arabica. – 1986. – № 33. – Б. 369-382.